Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 224 (5515)
1 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил
1 нюлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИГА

СССР Олий Совети Президиумининг мени Ленин ордени ҳамда учинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони муносабати билан менинг номимга партия ва совет органларидан, министрликлар ва идоралардан, жамоат ташкилотларидан, меҳнаткашларнинг коллективларидан, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалардан, совет гражданларидан кўпдан-кўп табрик телеграммалари ва эзгу истаклар билдирилган хатлар келиб турибди. Табрикномаларда КПСС билан Совет давлатининг ленинча ички ва ташқи сиёсати батамом маъқулланган, улуғ Ватанимизни янада равнақ топтириш йўлида фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликлари изҳор қилинган.

Қардош социалистик мамлакатларнинг, Коммунистик ва Ишчи партияларнинг раҳбарларидан, шунингдек кўпгина мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбобларидан, айрим гражданлардан самимий қутловлар олдим.

Қутловлар учун астойдил миннатдорчилик изҳор этаман ва мен бундан буён ҳам бутун кучимни партиямизнинг КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларида белгиланган сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш ишига, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, СССР халқ хўжалиги самарадорлигини янада ошириш, совет халқининг турмуш шароитларини яхшилаш ишига сарфлайвераман, деб ваъда бераман.

КПССнинг бош йўлига амал қилиб, социализм мамлакатларини яна ҳам кўпроқ жипслаштириш, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таъсири ҳамда обрў-эътиборини кучайтириш, жаҳон социализми билан миллий озодлик ҳаракатлари иттифоқини мустаҳкамлаш, СССРнинг бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш, империализмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба бериш, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун ўзимга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверараман.

К. ЧЕРНЕНКО.



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№ 1

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ

● ЙИҒИМ-ТЕРИМДА ЗЎР УЮШҚОҚЛИК КЎРСАТАЙЛИК

● ЖАСОРАТ СОЛНОМАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

● АНЪАНАВИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИМИЗ ИШ БОШЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ „ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИ ЙЎЛЛАРИДА

Мана уч йилдирки, яхши анъанага биноан пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши билан бизнинг матбуот марказимиз иш бошлайди. Бу гал матбуот марказимизга Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ҳам қўшилди. Газетхонлар аввалги йиллардаги репортажларимизни яхши эслашса керак. Уларда биз шаҳарликларнинг «оқ олтин» йиғим-теримидаги иштироки тўғрисида, «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг бузилмас дўстлиги тўғрисида, Ўзбекистон пойтахти корхона ва ташкилотлари коллективларининг Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областлари хўжаликларига оталиқ ёрдами тўғрисида ҳикоя қилгандик.

Бу йилги юбилей йилида тошкентликларнинг ўз ватанпарварлик бурчларига садоқатлари янги куч билан намоён бўлди. Республикада Ўзбекистоннинг катта пахта хирмони учун зўр кураш кетаётган шу кунларда ўқув юртлари, корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари «оқ олтин» йиғим-теримида иштирок этиш ташаббуси билан чиқдилар. Тўққизинчи синф ўқувчилари, студентлар, медицина ходимлари, ҳайдовчилар, ишчилар ва хизматчилар қишлоқдагиларга ёрдамга бориш истагини билдирдилар. Уларнинг ташаббуси ҳақида газетамиз ўз саҳифаларида батафсил ҳикоя қилди.

«Бугун ҳар бириниз пахтакормиз» — деяпти тошкентликлар. Улар Ўзбекистоннинг асосий қишлоқ хўжалик экини бўлган «оқ олтин»ни сўнгги толасигача далалардан тез ва сифатли йиғиб-териб олиш муҳим эканлигини тушунишади. Ҳосил учун курашнинг иштирокчиларининг олдинги сафларида яна комсомол-ёшлар туришибди. 1984 йил йиғим-терим мавсумида ҳар бир қўшли кун ғанимат. «Биз 80-йиллар комсомоллари бундай шароитда умумхалқ ишидан четда турармидик?! Биз учун меҳнат —комсомол шон-шараф иши».— Бу ҳаяжонли сўзларни тўққизинчи синф ўқувчиларининг ўз тенгдошларига мурожаатида ўқиш мумкин.

«Оқ олтин» йиғим-теримида иштирок этишга даъват ҳар бир тошкентликнинг қалбидан жой олди. Мана, бугунги кунда шаҳарликлар тушган дастлабки автобус колонналари оталиқдаги хўжаликларга йўл олаяпти. Ингит ва қизларнинг кайфияти чоғ, улар йиғим-теримда ғоят даражада меҳнат қилиш истаги билан яшашаяпти.

Шаҳарда қоладиганлар эса пахта ҳосилини тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги хабарларни диққат билан кузатишади. Уларнинг бутун фикри-ёди «оқ олтин» ҳосилида, меҳнат коллективлари саноат корхоналари иш суръати бузилмаслиги, юбилей йили план топшириқларини муваффақиятли бажарилиши учун янада яхши ишлашга интилишади. Буларнинг ҳаммасида «Ўроқ ва Болға» бузилмас иттифоқи яна бир ёркин куч билан намоён бўлади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС»НИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ.



СУРАТДА: «Главташпассавтотранс», Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети, Тошкент «оқшом» газеталарининг биргаликдаги экипажи ҳайдовчиси — 5-таксопарк комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, коммунист Анвар Охунхўжаев.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 29 сентябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	2,94	40,77
Андижон	2,75	34,92
Тошкент	4,00	29,61
Наманган	2,60	28,60
Сурхондарё	2,43	27,96
Бухоро	1,69	26,95
Навоий	1,30	20,52
Хоразм	2,16	20,28
Самарқанд	1,95	20,00
Қашқадарё	1,17	16,09
ҚҚАССР	1,32	11,90
Жиззах	1,75	8,71
Сирдарё	1,17	6,65
Республика бўйича	2,14	23,50

Тошкент оқшоми — Вечерний Ташкент газеталари, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.



ПАРТИЯ ЙЎЛИДАН ХАЛҚЛАРНИ МАЪНАВИЙ РАВНАҚ ТОПТИРИШ САРИ

29 сентябрь куни Тошкентда «Ўрта Осиё олий мактаби — ленинча миллий сиёсат тантанаси» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркманистон қардош республикалари ва уларнинг Компартиялари ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди. Конференцияда олимлар, олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги таниқли мутахассислар ҳамда ташкилотчилар, олий ўқув юртларининг етакчи муаллимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи сўзлаб, учрашув қатнашчиларини самимий табриклади, уларга ишларида ижодий муваффақиятлар, самарали илмий изланишлар ва ёшларни тарбиялашдек олижаноб соҳада янгидан янги зафарлар тилади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИ ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари, халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари, халқ маслаҳатчилари сайлови 1984 йилнинг ноябрь ойида ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил, 28 сентябрь.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Республика кино уйида Ўзбекистон телевидениесининг адабий-драматик кўрсатувлар бош редакцияси томонидан тайёрланган «Шунчаки ҳазил» номли комедия кечаси бўлади.

●

Иўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида бўладиган ижодий кеча Ўзбекистон ССР халқ артисти Манзура Ҳамидованинг 70 йиллигига бағишланади.

ОБ-ҲАВО

▲ Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 17 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 7—9, эртага кундузи 25—27 даража иссиқ бўлади.

ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИ УЧУН

МОСКВА. А. Карпов—Г. Каспаров матчининг кечиктирилган еттинчи партиясида чемпионликка даъвогар Г. Каспаров ўйинни тикламай таслим бўлганидан сўнг бу ерда ҳисоб 3:0 чемпионнинг фойдасига ҳал бўлди. Бугун саккизинчи партия ўйналади.

ВОЛГАГРАД. Бу ерда ўтаётган М. Чибурданидзе—И. Левитина матчида ҳозирча кучлар тенг—3,5:3,5.

ЎРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОКТЯБРЬ ОЙИДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Октябрь ойида об-ҳаво бирмунча беқарор бўлади. Ўртача ойлик ҳарорат сентябрь ойидагига нисбатан 6—8 даража кам бўлади. Одатда октябрь ойи ҳароратининг кескин ўзгариши билан фарқланади. Айрим кунларда ўртача ойлик ҳарорат меъёридан 3—4 даража ошиши, баъзан шунча камайиб кетиши юз беради. Бундай пайтларда ҳаво совийди ва тупроқ юзаси музлайди. Бу йилнинг октябрь ойида ўртача ойлик ҳарорат кўп йиллик ўртача меъёрдан паст бўлиши кутилмоқда. Иккинчи беш кунликда совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши натижасида кечаси ҳарорат 0—5 даража иссиққача (тупроқ юзаси музлайди) пасаяди, кундузи 11—16 даража иссиқ бўлади. Иккинчи ўн кунликда жанубдан иссиқ ҳаво оқимининг кириб келиши натижасида кунлар исийди ва айрим кунлари паст ҳарорат 11—16 даража, юқори ҳарорат 23—28 даражагача кўтарилади. Учинчи ўн кунликда ҳаво ҳарорати анча совуши кутилади. Кечаси 0—5 даража совуқдан 5—10 даража иссиққача кўтарилади.

Ҳаво совиган кунларда ёғингарчилик бўлиши, ғарб ва шимоли — ғарбдан эсадиган шамолнинг тезлиги секундига 15—17 метргача етиши кутилади. Шу ой давомида бўладиган ёғингарчиликлар кўп йил ўртача миқдордан ортиқ бўлади ва Тошкент областида 17—29 миллиметрни ташкил этади.













● СУРАТДА: ТошДУ ва СамПИ студентлари пахтазорга йўл олмоқдалар.

Т. Каримов фоторепортажи.

Партия йўлидан халқларни маънавий равнақ топтириш сари

(Давомн. Боши 1-бетда).

Ушбу конференция, деб уқтирди у, мамлакатимиздаги барча халқларнинг улкан интернационал байрами — унинг территориясида қардош Совет Социалистик Республикалари ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида ўтаётганлиги диққатга сазовордир. В. И. Ленин, партия мамлакатнинг илгари энг қолоқ бўлган районларидан бирида миллий-давлат тузилишининг ғоят мураккаб ва муҳим масаласини муваффақиятли ҳал этиш сарчашмаларида, маданий революция сарчашмаларида турдилар. Бу маданий революция мисли сиз қисқа муддатда Ўрта Осиё халқларини кенг маърифат, умумий таълим йўлига, чинакам маънавий равнақ йўлига олиб чиқди.

СССР олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин «Ҳозирги совет олий мактаби — Улуғ Октябрь ғояларининг тантанаси» мавзуида доклад қилди. Ўрта Осиё республикаларида олий мактабни ривожлантиришнинг асосий босқичлари, проблемалари ва вазифалари тўғрисида олий ва ўрта махсус таълим министрлари: Ўзбекистон ССРдан — С. П. Пўлатов, Қирғизистон ССРдан — А. Т. Турсунов ва Туркманистон ССРдан — С. Н. Муродов доклад қилишди.

Конференцияда таъкидланганидек, унинг иши кўп миллатли Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари партия XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларни баланд руҳ билан ҳал этаётган шонли бир пайтда, КПССнинг навбатдаги XXVII съездига тайёргарлик тобора кенг авж олиб бораётган бир даврда ўтказилмоқда. Учрашув қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко Ленин ордени ҳамда учинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотланганлигидан астойдил мамнун бўлганликларини изҳор этдилар. Бу юксак мукофот, деб таъкидлашди улар, ўртоқ К. У. Черненконинг мамлакатимизнинг ривожланган социализмни такомиллаштириш ва коммунизм қуриш ишига, ер юзида мустаҳкам тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашга қўшган ҳиссасини бутун халқ эътироф этаётганлигини ифода қилади.

Ўрта Осиёнинг миллий-давлат чегараланишидан ва бу ерда қардош социалистик республикалар ташкил этилганидан ўтган олтмиш йил, дейилди докладларда ва конференция қатнашчиларининг нутқларида, тарихан унча кўп муддат эмас. Аммо у бутун бир давр бўлиб қолди, ҳақиқатан ҳам улуғвор социал, иқтисодий ва маданий ўзгартишларни ўз ичига олди. Мана шу ўзгартишлар социализм афзалликларидан, марксизм-ленинизм назариясининг қудратли ҳаётий кучидан, хўжалик ва маданий қурилишга КПСС раҳбарлигининг донолигидан ҳамма нарсага қараганда яққолроқ далолат бериб турибди Мамлакатимизнинг барча ютуқлари ҳам —Совет Иттифоқи Коммунистик партияси амалий фаолиятининг, ленинча миллий сиёсат изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг самарасидир.

1920 йилнинг сентябрида В. И. Ленин имзолаган Декретга мувофиқ Тошкентда очилган давлат университети жуда катта ўлка территориясида олий таълимни бошлаб берди. Бу ўлкада революцияга қадар миллий зулм, қашшоқлик ҳукм сурар ва аҳоли ёппасига саводсиз эди. Йиллар ва ўн йиллар ўтмоқда, янги авлодлар дунёга келиб вояга етмоқда, аммо рус олимларининг буюк инсонпарварликдан иборат жасорати минатдор хотирада ҳамиша сақланиб қолади. Рус олимлари Ленин йўлланмаси билан ниҳоятда оғир ўша пайтларда минглаб километр жуда машаққатли йўлни босиб ўтиб, олий мактабни ташкил этишда, илмий кадрлар тайёрлашда, фанни ривожлантиришда ёрдам бериш учун бу ерга келган эдилар. Улар бутун кучи ва ғайратини, самимий ва сахий қалбларининг бутун қўрини бағишлаган фидокорона меҳнатларининг самаралари, дейишди нотиқлар, бугунги кунда Ўрта Осиёнинг барча республикаларида яққол кўриниб турибди. Бу республикаларда ғоят хилма-хил соҳалардаги ўнлаб олий ўқув юртлари, ана шу олий мактабларда тайёрланган юз минглаб дипломли мутахассислар ишлаб турибди.

Ҳозирги пайтда олий мактаб мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларни иқтисодий, социал ва маънавий тараққий эттириш суръатларига катта таъсир ўтказмоқда. Партия ҳамиша ҳар томонлама етук инсонни камол топтириш — программ мақсад, коммунистик бунёдкорликнинг ғоят муҳим таркибий қисми эканлигига асосланиб келди ва асосланмоқда. Конференцияда омма онгини ошириш борасида сабот билан ишлаш, ижтимоий онг партия олға сураётган янги ғояларни тезда ўзлаштириб олиши, эскирган қолоқ қарашлардан қатъийроқ халос бўлиши учун ижтимоий онгни муайян тарзда қайтадан йўлга қўйиш зарурлиги тўғрисида ўртоқ К. У. Черненко СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг юбилей пленумида сўзлаган нутқида айтган гаплар келтирилди. Партиянинг бу принципиал йўл-йўриғи, деб таъкидлашди нотиқлар, бизнинг олий мактаб практикамизга, ёш мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялашни ташкил этишга ҳам тўла-тўкис ва батамом тааллуқлидир.

Конференция қатнашчилари тўпланган тажрибани ўртоқлашдилар, Ўрта Осиё республикалари олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг конкрет йўлларини белгиладилар.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент область партия активининг 29 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида область партия ташкилотининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарордан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг партиянинг ёшлар билан ишлаш масалаларига доир нутқларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов шу ҳақда доклад қилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари секретариатининг мудири ўртоқ Николай Игнатьевич **Диаконенкони** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.



БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Дилором Пўлатова ўн етти йилдан бери Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-цехида ўз касбини эъзозлаб келмоқда. Утган йиллар давомида орттирилган иш тажрибаси бугунги кунда моҳир тикувчининг улкан муваффақиятларни қўлга киритишга катта ёрдам беряпти. Кунлик план-топшириқларини 170—180 процентга етказиб бажараётган Д. Пўлатова республикамизнинг шонли юбилейи шарафига 1988 йили ҳисобига тер тўкаяпти.

Ёшларнинг севимли мураббийси, коммунистик меҳнат зарбдори Д. Пўлатованинг фидокорона меҳнати Ҳурмат Белгиси орденн билан тақдирланган.

СУРАТДА: Д. Пўлатова.

И. Шокноғомов фотоси.

• Пойтахт қурилишларида ПРОГРАММА БАЖАРИЛАДИ

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 159-трестига қарашли 22-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Владимир Воронов бошлиқ комплекслашган бригада коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига қадар ўн биринчи беш йиллик программасини адо этишга аҳд қилди.

Бригада бошқарма коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада доимо пешқадамлик қилиб келмоқда. Улар илғор иш усулларидан, вақтдан, кичик механизациядан унумли фойдаланаётганликлари туфайли юқори натижаларга эришмоқдалар.

БУГУН

қурувчилар Юнусобод массивида бунёд этилаётган 221 ўринли тўққиз қаватли ётоқхонада конструкцияларни монтаж қилиш ишларини муддатидан ярим ой илгари маромига етказдилар. Коллектив ютуғига бригаданинг Сергей Монастирский, Ҳамид Қорабоев, Григорий Шварценберг каби қурувчилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ва мухбирларимиз ҳабарлари қилади

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

МАНАГУА. Никарагуа ҳукумати қишлоқ хўжалигида банд бўлган барча меҳнаткашларнинг иш ҳақини шу йил 1 октябрдан бошлаб ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Мамлакатнинг асосий экспорт экинлари бўлган кофе ва банан терувчиларнинг иш ҳақи деярли икки баравар кўпаяди. Революцион ҳукумат Никарагуа деҳқонларининг социал-иқтисодий аҳволини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда. Утмишда бу деҳқонлар катта ер эгалари томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинарди. Америка агрессияси кучайтирилаётганлигига ва маблағнинг етишмаётганлигига қарамай, қишлоқ районларида мактаблар, пунктлари ўйлар ва ниялари Шу йилнинг деҳқонларга лион мансу унумдор ер рилди.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БЕЛГРАД. Югославиядаги Титово-Ужице шаҳрининг аҳолиси тилларда достон бўлган Ужице Республикаси озод этилган кунни ва унинг ташкил қилинганлигининг 43 йиллигини нишонлади. Шаҳар жамоатчилигининг бўлиб ўтган тантанали мажлисида қайд этиб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида Титово Ужице Ғарбий Сербиянинг муҳим саноат ва маданий марказларидан бирига айланди. Ҳозирги кунда бу ерда 55 мингга яқин киши яшамоқда.

* * *

ХЕЛЬСИНКИ. Металлистлар касаба союзининг маҳаллий бўлими Финляндиянинг Турку шаҳрида у билан биродарлашган шаҳарлар вакиллари иштирокида учрашув ўтказиш даъвати билан чиқди. Шу учрашув вақтида тинчлик учун, ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш учун курашнинг муҳим проблемаларига бағишланган тематик учрашув ва семинарлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Учрашув ташаббускорлари бу тадбирни 1985 йилнинг кузида, Турку билан Ленинград ўртасида қалин дўстона алоқалар ўрнатилганлигининг 30 йиллигини нишонланадиган пайтда ўтказишни таклиф қилдилар. Финляндиянинг бир қанча жамоат ташкилотлари, касаба союз арбоблари ва тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг активлари металлистлар ташаббусини қўллаб-қувватлаётганликлар и н и маълум қилдилар.

* * *

КОБУЛ. Кечки факультетлар АДР миллий экономикаси учун малакали кадрлар тайёрлашда Афғонистон олий мактабига катта ёрдам бермоқда. Мамлакат олий ўқув юртлари ҳузурида ўқитишнинг шундай формаси ташкил этилганлиги тобора кўплаб ишчи ва хизматчиларни ўқув юртларига жалб этиш учун хизмат қилади. Мамлакатдаги етакчи олий ўқув юрти —Кобул университети кечки факультетининг ўзидагина ҳозирги вақтда социал фанлар, экономика, адабиёт, педагогика ва бошқа ихтисосликлар бўйича 900 дан кўпроқ киши таълим олмоқда. Кобул университетининг кечки факультетини студентлар биринчи марта 1985 йилнинг баҳорида битириб чиқадилар.

* * *

ТОКИО. Япониядаги Сага шаҳрининг муниципал мажлиси шаҳарни «Тинч, ядросиз зона» деб эълон қилган резолюцияни якдиллик билан қабул этди.

Япония жамоатчилигининг ядро қуролига қарши ҳаракати тобора оммавий тус олмоқда. Ҳозиргача тўртта префектура мажлиси шундай резолюция қабул қилди. 200 дан кўпроқ шаҳар ядро қуролидан холи бўлган алоқа кенгашининг аъзоларидир. «Ядросиз шаҳардан ядро қуролидан ҳоли бўлган Япония сари» шу кенгашнинг шиоридир.

* * *

ХАРАРЕ. ЖАРнинг турли районларида кескин вазият сақланиб қолмоқда. Полиция шаҳарларнинг ликлар ишёқ ҳаллаларида ган ирқчилик намойиш нан 900 дан шини қамоқ Маъмурлар йиғилишлар тақиқлаб қарамай, ғ африкаликлар зулмга қарш билдирмоқ ликлар кўпчи рини таъмин санд қилмоқ титуцион деб аталган нинг бекор талаб қилиш это, Болга кенг, Шарп ларига чиқди Намойишчи тиб юборил лицянинг кун нарядлари Полициячи ўқларни, кўз рувчи газ ларнинг жаз токли тайёр солдатлар. ларнинг жаз натижасида ҳафта ичида киши халок

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

МОНРОВИЯ. Либерияда олий таълим системасини ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи миллий идоралараро комиссия ташкил қилинди. Комиссия составига мамлакатдаги бир қанча министрликлар ва етакчи ўқув юртларининг намояндалари кирди. Янги органнинг вазифаси — миллий тараққиёт эҳтиёжларига мувофиқ тарзда мутахассислар тайёрлашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат. Жумладан, комиссия янги ўқув программаларини тайёрлаши, институтларга кириш учун қабул имтиҳонларининг ягона системасини вужудга келтириши лозим.

Фотокалейдоскоп



ГФР. Ушбу ватани Ғарбий дағи Хозбер собланди нуқ ғилдиракли қуёш батареяси вати билан километр тезликда ракат қила

ДПА—ТАСС



Мўъжазгина Вьенн кўлига тўр ташлаган икки швейцариялик вазни 40 килограмм келадиган 2 метрли лаққа балиқ тутдилар. Кейстон—ТАСС

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

ШАҲАР ВА ҚИШ

ЁКИ ИШНИ ПАЙСАЛГА СОЛАЁТГАН МОНТАЖЧИЛАР ҲАҚИДА

Куз. Япроқлар заъфарон. Олтин кузнинг биринчи ёмғири ҳам ёғиб ўтганига кўп бўлди. Кунлар бирмунча совиб қолди. Тонгги шабадада, кеч қурунги изғиринда киши эти жунжикади. Ҳадемай иситиш системаларини гувиллаб ишга тушади, биз истиқомат қилаётган уйларнинг хоналари илиб бошлайди. Бу кунга саноқли кунлар қолди. Уйларнинг, квартираларнинг аёзли кунларда нормал, бир маромда исиши кўп жиҳатдан кварталлараро иссиқлик тармоқларининг нечоғлик созлигига боғлиқ. Ана шу мақсадда ҳозирда шаҳар районлари кварталлараро иссиқлик трассаларини қайта тиклаш ишлари олиб бориляпти. Хўш, қурилиш ишларн қандай кетяпти! Биз бу сафар пойтахтнинг Куйбишев, Ҳамза ва Фрунзе районларида бўлиб, иссиқлик трассалари қурилишн билан яқиндан танишдик.

Иситиш мавсуми бошлангунга қадар Куйбишев районн территориясида жами 2220 минг погон метр ишдан чиққан иссиқлик трассалари қайта тикланиши белгиланган. Бу ишга «Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой» трести бош пудратчи этиб тайинланган. Айни пайтда район территориясида мазкур трестнинг тўртта қурилиш бошқармаси қувурларни қайта тиклямоқда. 69-қурилиш бошқармаси районнинг Шимоли-Шарқ массивида белгиланган ишларни ниҳоясига етказди. Худди шу ернинг ўзида трестнинг яна бир бошқармаси — «Спецжелезобетонстрой» вакиллари 560 минг погон метр узунликдаги қувурларни янгилашмоқда. Улар ҳам бу ишни охиратлиб қўйишди. Шунингдек, 1-қурилиш бошқармаси қувурчилари аввалига ишга енг шимариб киришдилар. Сўнгра иш суръати пасайиб борди. Лекин ҳозирда улар отни қамчиладилар. Бош пудратчи 850 метр масофада ёрдамчи-пудратчи учун иш фронти тайёрлаб қўйди. Бироқ иш фронти бўлишига қарамай яна «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 4-монтаж бошқармаси қурувчилари ишга киришмаяптилар.

— Ёрдамчи-пудратчилар турли баҳоналарни рўкач қилишиб, ишга киришмаяптилар. Улар фақат турар жой биноларини топшириб олганимиздан сўнг 1 октябрдан иш бошлаймиз деб, ваъда беришмоқда, — дейди энергорайон бошлиғи В. И. Поляков. — Ваҳоланки, улар монтаж ишларига август ойининг бошида киришишлари керак эди. Минг афсуски, қимматли вақт ўтиб кетди. Иш графиги эса издан чиқди.

Поляковнинг гапида жон бор. Вақт кутиб турмайди. Иситиш мавсуми эса тобора яқинлашиб келмоқда. Ваъда билан эса аёзли кунларнинг шаънига ана шундай эътирозлар билдирилган эди. Бизнингча, «Ташсантехгазмонт а ж» трести раҳбарлари ўз қўл остидаги қурувчиларга бу муҳим вазифанинг масъулиятини тушунтиролмаган кўринадилар. Чунки улар кўпгина объектларда ишни ортга судраб бошқаларга панд беришаяпти.

Ҳамза район территориясида олиб бориладиган қурилиш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу ерда ҳам қолоқликка йўл қўйилган, графикдан ортда қолиш ҳоллари содир бўлмоқда. Ҳамза районида 950 погон метр масофадаги ишдан чиққан қувурларни қайта тиклаш керак. Бу ишга «Главташкентстрой»нинг 2-уйсозлик комбинати бош пудратчи этиб тайинланган. Комбинатнинг 60-қурилиш бошқармаси қувурларни аввалига ишга киришмаяптилар. Ўзлари фақат турар жой биноларини топшириб олганимиздан сўнг 1 октябрдан иш бошлаймиз деб, ваъда беришмоқда, — дейди энергорайон бошлиғи В. И. Поляков. — Ваҳоланки, улар монтаж ишларига август ойининг бошида киришишлари керак эди. Минг афсуски, қимматли вақт ўтиб кетди. Иш графиги эса издан чиқди.

Поляковнинг гапида жон бор. Вақт кутиб турмайди. Иситиш мавсуми эса тобора яқинлашиб келмоқда. Ваъда билан эса аёзли кунларнинг шаънига ана шундай эътирозлар билдирилган эди. Бизнингча, «Ташсантехгазмонт а ж» трести раҳбарлари ўз қўл остидаги қурувчиларга бу муҳим вазифанинг масъулиятини тушунтиролмаган кўринадилар. Чунки улар кўпгина объектларда ишни ортга судраб бошқаларга панд беришаяпти.

Ҳамза район территориясида олиб бориладиган қурилиш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу ерда ҳам қолоқликка йўл қўйилган, графикдан ортда қолиш ҳоллари содир бўлмоқда. Ҳамза районида 950 погон метр масофадаги ишдан чиққан қувурларни қайта тиклаш керак. Бу ишга «Главташкентстрой»нинг 2-уйсозлик комбинати бош пудратчи этиб тайинланган. Комбинатнинг 60-қурилиш бошқармаси қувурчилари аввалига ишга енг шимариб киришдилар. Сўнгра иш суръати пасайиб борди. Лекин ҳозирда улар отни қамчиладилар. Бош пудратчи 850 метр масофада ёрдамчи-пудратчи учун иш фронти тайёрлаб қўйди. Бироқ иш фронти бўлишига қарамай яна «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 4-монтаж бошқармаси қурувчилари ишга киришмаяптилар.

— Ёрдамчи-пудратчилар турли баҳоналарни рўкач қилишиб, ишга киришмаяптилар. Улар фақат турар жой биноларини топшириб олганимиздан сўнг 1 октябрдан иш бошлаймиз деб, ваъда беришмоқда, — дейди энергорайон бошлиғи В. И. Поляков. — Ваҳоланки, улар монтаж ишларига август ойининг бошида киришишлари керак эди. Минг афсуски, қимматли вақт ўтиб кетди. Иш графиги эса издан чиқди.

Поляковнинг гапида жон бор. Вақт кутиб турмайди. Иситиш мавсуми эса тобора яқинлашиб келмоқда. Ваъда билан эса аёзли кунларнинг шаънига ана шундай эътирозлар билдирилган эди. Бизнингча, «Ташсантехгазмонт а ж» трести раҳбарлари ўз қўл остидаги қурувчиларга бу муҳим вазифанинг масъулиятини тушунтиролмаган кўринадилар. Чунки улар кўпгина объектларда ишни ортга судраб бошқаларга панд беришаяпти.

Ҳамза район территориясида олиб бориладиган қурилиш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу ерда ҳам қолоқликка йўл қўйилган, графикдан ортда қолиш ҳоллари содир бўлмоқда. Ҳамза районида 950 погон метр масофадаги ишдан чиққан қувурларни қайта тиклаш керак. Бу ишга «Главташкентстрой»нинг 2-уйсозлик комбинати бош пудратчи этиб тайинланган. Комбинатнинг 60-қурилиш бошқармаси қувурчилари аввалига ишга енг шимариб киришдилар. Сўнгра иш суръати пасайиб борди. Лекин ҳозирда улар отни қамчиладилар. Бош пудратчи 850 метр масофада ёрдамчи-пудратчи учун иш фронти тайёрлаб қўйди. Бироқ иш фронти бўлишига қарамай яна «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 4-монтаж бошқармаси қурувчилари ишга киришмаяптилар.

— Ёрдамчи-пудратчилар турли баҳоналарни рўкач қилишиб, ишга киришмаяптилар. Улар фақат турар жой биноларини топшириб олганимиздан сўнг 1 октябрдан иш бошлаймиз деб, ваъда беришмоқда, — дейди энергорайон бошлиғи В. И. Поляков. — Ваҳоланки, улар монтаж ишларига август ойининг бошида киришишлари керак эди. Минг афсуски, қимматли вақт ўтиб кетди. Иш графиги эса издан чиқди.

Поляковнинг гапида жон бор. Вақт кутиб турмайди. Иситиш мавсуми эса тобора яқинлашиб келмоқда. Ваъда билан эса аёзли кунларда уйни иситиб бўлмайди. Халқ нақлида айтилганидек «Минг кунлик ваъзхонликдан, бир кунлик жонбозлик яхши». Монтажчилар буни чуқур ҳис этмоқликлари лозим.

Пойтахтнинг Фрунзе райони территориясида олиб борилаётган ишлар ҳам кишини қувонтирмайди. Бу ерда ҳам бош пудратчи — 2-уйсозлик комбинати ва ёрдамчи-пудратчилар суст ҳаракат қилишмоқда.

— Районимизда жами 980 погон метрдаги ишдан чиққан қувурлар алмаштирилиши керак, — дейди Фрунзе район Совети ижроия комитети раиси ўринбосари Валерий Константинович Сачко, — 2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш бошқармаси 580 метрли трассада ишни тугаллади. Лекин улар 450 погон метрли қувурларни алмаштиришга келганда бутунлай оқсамоқда. Бу участка Ш. Руставели — Тўқимачилик кўчалари оралиғида жойлашган. 4-қурилиш бошқармаси бу ерда ҳеч қандай иш олиб бормаяпти. Ваҳоланки, улар бу ердаги ишларни октябрга қадар бажаришлари керак эди. Биз ўз кучимиз билан 200 метр жойни тайёрлаб қўйдик. Қувурлар бор. Бироқ «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 4-монтаж бошқармаси ишга киришмаяпти. Бу ҳақда комбинат ва Бош бошқарма раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилдик. Аммо натижа бўлмаяпти.

Доно халқимиз бекорга айтмаган: қиш ғамини ёзда е. Бу сўзнинг замирида олам-олам маъно бор. Ҳозирги илиқ иссиқ кунларда белгиланган тадбирлар амалга оширилмаса, совуқ кунларда бу ишларни бажариш янада мушкуллашади. Шунинг учун барча мутасаддилар — район Совети ижроия комитетлари, район турар жой эксплуатацияси трестлари, буюртмачи—«Таштеплокомунэ н е р го» ҳамда ЖЭУлар бир ёқадан бош чиқариб бу хайрли ишни охирига етказмоқликлари лозим. Бунинг учун уларда барча куч ва имкониятлар мавжуд.

Т. ТОШЕВ,
Э. ЗОҲИДОВ.

ШЕЪРИЙ ЛУҚМА

«ҚАЙДАСАН, АЗИЗИМ... «АВТОДОРМЕХБАЗА»?

● «Железнодорожная» кўчасидаги шинамгина паркнинг қоқ маркази шу кунда чиқинди майдонига айланган. Бу кўнгилсиз манзарадан тезроқ халос бўлиш пайида боғ хизматчилари «олов ёқиш тактикаси»ни ўйлаб топишган. Лекин олов ёниб бўлгач майдончада кул кўпаяди, холос. Бу ердан кун бўйи боғ раҳбарларининг енгил машиналари аримайди. Бироқ «Автодормехбаза»нинг салобатли машиналари ҳеч кўринмай бермайди.

● Каманин номли кўчадаги 8, 9, 11 ва 36-уйлар олдида уюлиб ётган чиқинди ойлаб олиб кетилмайди. Бу ерда ҳозир чуқурроқ нафас олишга қўрқасан киши.

Тегишли ташкилот раҳбарлари ўз ишини уддалай олмас экан, бирон нарса ўйлаб топишсин.

● Куйбишев районидаги Фестивальная кўчасидан ўтиб қолсангиз бошни баланд кўтариб, илдамроқ одимланг. Иложи бўлса чопаверсангиз ҳам майли. Сабаби кўча бошдан-оёқ чиқиндига тўлган.

«Автодормехбаза»даги ишбилармон амакилар қаёққа қарашяпти, дейсизми? Ҳеч қаёққа. Улар кўзларини чирт юмиб олишган. Қиладиган ишларининг тайини йўқ: «Автодормехбаза»да, ишлаш жуда мазада!» — деб ялла қилиб юришибди.

(Л. Бобожонова, В. Гречкина, А. Аҳмедованинг редакцияга йўллаган хатларидан).



— Яхшиям бахтимизга «Автодормехбаза» бор экан, улар ўз ишига шундай лоқайд муносабатда бўлишса яна кўп йиллар ризқимиз бутун бўлаверади.

М. Унгаров чизган расм.

Бир маҳалла
хурсанд эрди,
Янги бу овозадан:
Дорда қолманг,
борса мошин
«Автодормехбаза»дан!

Чиқаверди шунда оқиб,
Жом, челак
дарвозадан:
Йўл беринг,
келмоқда мошин —
«Автодормехбаза»дан!

Зумда кўча
тўла пақир,
Тоғора, қоп, сумкача.

Уюлиб ётган
Кўкчадан т
Аммо бекор
шод
Хушхабар
Алдагон экан
Ё ҳазил
Тағин жон
кўчад
Ёпилди дарво
Воҳ, алданд
Воҳ-е, ғиқи
«Автодормех

Муҳаммад

ШЕЪРИЙ ЛУҚМАГА МАВЗ

Дунёда этикдўздан ширинсўз одам йўқ. Бирпасда истаган мижозини ром қилиб кўяди. Лекин бу ширин муомала заминида аксарият юлғичлик яширин бўлади.

Бир жуфт оддий ботинка ипи магазинда 8 тийин турар. Бир ой ишлатса бўладиган бир қути ботинка мойининг баҳоси ҳам ипникидан озгина ортиқ, холос. Энди ушбу нарсаларни бошдан-оёқ мақтов ёрлиқларига ботган этикдўз дўконида ўтириб пулга чақиб кўрингчи.

Кўпайтириш жадвалини биласиз?

●

Кўчамизнинг номи Хизматчи. Лекин ҳалигача бизга хизмат кўр-

атадиган ҳ
гидан хурс
мизни эсла
Провдимиз
атаишдан
мадан орт
миз. Уйни
ри—5, бор
миз ҳеч қа
эмас. Чун
районидаги
барлари ўз
чига совуқ
қарашади,
эҳтиёжи
лашмайди.

Набобдан
луқма ана
мог аманд
ланса кўп
бўлар эди

(Шеърий
зуларни ре
зетхонлар
ва Г. Зах
лашган).

РЕДАКЦИЯДАН: Илк шеърий
лон қилинганидан сўнг биз кўплаб
дик. Кўтарилган муаммолар тугал
уларнинг келиб чиқиш сабаблари
га маълум димоғдорлик, тамаъ
қайдлик каби иллатлар бўлиб
ўрнида ҳурматли оқсоқолларга
ра эслатиб қўймоқчимиз. Сизла
мавзуларгина эмас, ўткир ҳажв
тилган шеърий луқмалар ҳам кў

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«Шаҳарнинг иссиқлик таъминотини яхшилайлик»

Юқоридаги сарлавҳа остида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мақола эълон қилинди, унда шаҳарнинг янги иситиш мавсумига тайёргарлиги ишлари қандай бораётганлиги тўғрисида сўз юритилган эди. Ана шу мақола юзасидан «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасидан жавоб олинди. Унда шундай дейилади:

Тошкент шаҳрини иссиқлик энергияси билан таъминлашни яхшилаш мақсадида шу йилнинг февраль ойида қисқа муддатда «ТашГРЭС»дан 1-«Шимолий-шарқ» қозонхонасигача алоҳида юқори босимли газ қувури ётқизилди.

1984—1985 йилларда, қишки мавсумда саноат қозонхоналарига газ юборишни кўпайтириш бўйича ҳам тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. 3-қозонхонага борувчи узунлиги 10 километр бўлган 500—700 миллиметрли алоҳида газ қувури қурилиши ва 4-қозонхонага борувчи узунлиги 8,7 километр бўлган газ қувури қурилиши ниҳоясига етказилди.

«Тошкент шаҳрини газ билан таъминлашни реконструкция қилишнинг техник лойиҳаси» тасдиқланиши муносабати билан ва 1981—1985 йиллар беш йиллик планига кўра 1981 йилдан бошлаб юқори босимли ҳалқали газ қувурлари қурилиши бўйича катта ишлар амалга оширилди. 1985 йилда шаҳар атрофида ҳалқали газ қувури қурилишини батамом тугаллаш мўлжалланмоқда.

Ҳозирнинг ўзида шаҳар ички газ таъминоти системаси мижозларга суткасига 16,0 ва 16,5 ҳажмда газ юборишн мумкин.

«Шимолий» газ тақсимлагич станцияси қўчирилиб шу йилнинг 15 октябригача газ тақсимлагич станцияси фойдаланишга топширилади.

Айни пайтда СССР Газ саноати министрлигида ва СССР Госпланида газ тақсимлаш бўйича бир қатор масалалар ҳал этилмоқдаки булар қишнинг аёзли кунларида бир маромда газ тақсимлаш имконини беради.

«Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси 1984—1985 йилларда — қиш пайтида Тошкент шаҳрининг барча мижозларини фонддаги газ билан таъминлаш учун бутун зарур чора-тадбирларни кўради».

А. ОТАЖОНОВ,
«Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи.

2 ТОШКЕНТ ВЕТ ОҚШОМИ
1 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

Адабиёт ва Санъат

Скрипканинг ёқимли қуйлари

Энг яхши ёш ижрочиларнинг М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси катта залининг саҳнасида ўз санъатини намойиш қилиш яхши анъанага айланди. Бу ерда биринчи курс студенти Эскендер Бекмембетовнинг концерти бўлиб ўтди. Унда Бах, Моцарт, Брамс, Паганини музикалари янгради.

Эскендер Чирчиқ шаҳридаги 1-музика мактабида таълим олган. Унинг музика қобилияти, маҳорат билан ижро этиши В. Успенский номидаги Республика музика мактаб-интернати педагогларининг диққатини тортди. Ёш скрипкачи ўрта махсус санъат билим юрти талабаларининг республика конкурси лауреати бўлди, мактабни битириб чиққанидан кейин эса Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирди.

Эскендер Бекмембетов репертуарида совет, чет эл классикларининг, Ўзбекистон композиторларининг асарлари бор. Ёш скрипкачи ўз устида кўп ишлайди, у жонажон Чирчиқ шаҳрида, Тошкентда бўладиган концертларига ҳозирлик кўрмоқда.

САНЪАТГА БАҒИШЛАНГАН УМР

Ўтган 60 йил мобайнида республикамизнинг музика ва қўшиқчилик маданияти, рақс санъати мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Ўзбек совет санъатининг бугунги кундаги улкан ютуқлари Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним, М. Турғунбоева, Ҳалима Носирова ва бошқа ўнлаб таниқли санъаткорларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқ.

Тамарахоним ўзининг ранг-баранг рақс ва яллалари, лапарлари билан доврує қозонган дастлабки йиллар кечагидек кўз ўнгимда. Муҳиддин Қориёқубов Ўзбек Давлат музикали театрининг директори сифатида бошқа ҳамкасблари билан биргаликда республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида тез-тез бўлишар, истеъдодли ёшларни катта санъат даргоҳларига жалб этишга ҳаракат қиларди.

Мен Қўқон хотин-қизлар педагогика техникумида ўқирдим. Ўшанда Муҳиддин ака менга ўхшаш санъатга иштиёқманд кўпгина ёшларни тўплаб, Самарқандга олиб борганди. Кўп ўтмай Самарқанддаги театрлардан бирида республика шаҳар ва қишлоқларидан жалб этилган ёш санъаткорларнинг ижоди синаб кўрила бошланди. Ўшанда мен бугунги кунда СССР халқ артисти, кўпгина давлат мукофотларининг соҳиби, ёш санъаткорларнинг мураббийси бўлиб етишган Тамарахонимни биринчи бор кўрган эдим. Унинг халқ рақсларини ижро этгандаги нозик ҳаракатлари, табассуми, ҳамма-ҳаммаси жуда табиий чиқар, кўрганларни ўзига маҳлиё қиларди. У айни пайтда музика оҳангларини нозик ҳис этар, рақсдаги хаттиҳаракатлари халқ музикаси оҳанглари билан ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетарди. Тамарахоним «Қари наво», «Бухороча», «Андижон самоси», «Дилхирож», «Мирзадавлат» куйларига ўйинга тушиб, ажойиб рақслари билан олқишларга сазовор бўларди.



Республика пойтахти Тошкентга кўчгач бу ерда Муҳиддин Қориёқубов раҳбарлигидаги ансамбль фаолияти янада ривожланиб, репертуаримизда янги-янги қўшиқ ва рақслар пайдо бўлди. Ўшанда Тамарахоним ва Қори ака лапарлар ижро этишар, айрим саҳна асарларининг парчаларини концертларда кўрсатишарди. Мен ўшанда Тамарахонимнинг ажойиб санъатидан баҳраманд бўлиб, унинг раҳбарлигида кўпгина ўзбек халқ рақсларини ўргандим. Суҳбатларимизнинг бирида Тамарахоним шундай деган эди: «Мен ўн бир ёшимда кўпгина ўйинларни Юсуф Қизиқдан ўрганганман. Кейинчалик эса Москвада ўқиб юрган кезларимда Юсуфжон Қизиқдан ўрганган ўйинларимни ўз фантазияларим асосида ривожлантиришга ҳаракат қилдим. Бунда москвалик балетмейстерларнинг ҳам кўрсатган ёрдами жуда катта бўлган эди».

Тамарахоним туғма талантли, ажойиб санъаткор. Унинг 20-йиллардаёқ халқимизга манзур бўлган ажойиб қўшиқ ва яллалари бутун умри мобайнида машҳур санъаткорнинг концерт репертуарини безаб келди. Шубҳасиз бу қўшиқ ва яллалар, рақслар кўпгина бўлғуси санъаткорлар учун маҳорат мактаби бўлди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги яқинлашаётган қутлуғ юбилей арафасида ўз истеъдодини халқ санъатини ривожлантиришга сафарбар этган, кўплаб санъаткорларга мураббийлик қилган Тамарахоним сингари устозларимизга таъзим қиламиз. Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева сингари санъатимиз фидоийларининг ижодий анъаналарини «Баҳор» ансамблининг раққоса қизлари, яна ўнлаб бадиий коллективларнинг истеъдодли ёшлари давом эттиришмоқда.

Тамара ИБРОҲИМОВА.

• *Китоб жавонингизга*

ЗАМИНДОШ ВА ЗАМОНДОШ ЎЙЛАРИ

«Яхши ёзадиган одам яхши ёзмайди, балки яхши ўйлайдиган одам яхши ёзади» (Анатолий Аграновский). Иқтидорли, изланувчан ижодкорлардан Нусрат Раҳматовнинг янги «Замондош ўйлари» китобини қўлга оларканмиз, бу ҳикматли ибора яна бир бор ёдга келди.

«Замондош ўйлари» ҳажман катта эмас. Лекин китобчанинг аҳамияти, назаримизда, унинг бағрига жо этилган тўқ мағизда — жиддий ўй-мулоҳазалар, қизғин баҳс-мунозаралар, долзарб, ўткир мавзу, муаммоларда. Муаллиф ҳаммамизни ўйлантирадиган, ташвишлантирадиган мавзуларни қаламга олади, дилимизда, тилимизнинг учида турган фикрларни изҳор этади. Беихтиёр публицистнинг ўйфикрларини давом эттиргимиз, факт, муҳокамаларига ўзимизнинг мисол, мушоҳадаларимизни қўшгимиз келади.

Нусрат Раҳматов — табиат шайдоси, жонкуяри. Нимаики ёзмасин, табиатга бевосита ё билвосита алоқадор бўлади. Муҳими, у табиат ҳақида билиб, ёниб-куйиб ёзади, бунда агрономлик билими ҳамкорлиги яхши самара берган.

Тадбиркор деҳқон кафтдеккина заминдан кўп ва турфа ҳосил ола олгани сингари, қобил публицист ҳам «Бир парча замин...» мақоласи бағрига бир қанча муҳим муаммони жо этиб, кўпчилик эътиборини тортишга муваффақ бўлган. Томорқа ерлари экин майдонининг 15—20 процентини ташкил этаркан. «Томорқа эгаси ерини тақирга айлантириб қўядими, бир йилда ундан тўрт бор ҳосил олиб, бойлик манбанга айлантирадими — ҳеч кимнинг иши йўқ... Ахир у ҳам ер-ку! Ризқ-рўзимиз манбан-ку», — ёзади куйиниб автор. Публицист умумийдан хусусийга, дедукциядан индукцияга ўтишга, анализ ва синтезни вобаста олиб боришга моҳир. Келтирган мисоллари, таҳлил-тадқиқотлари мароқли ва ибратли, хулоса ва умумлашмалар асосли ҳам ишонарли. «Аввало шахсий хўжаликка бўлган муносабатни ўзгартириш керак», — автор хулосаларидан бири шу.

Китобдаги «Бир парча замин», «Менинг дастурхоним», «Бизнинг бозорлар», «Соҳибкор характери», «Мойжувоз олдидаги ўйлар», «Отлар ва зотлар» ва бошқа мақолаларни бир-бирининг тадрижий давоми, бир занжирнинг ҳалқалари деб қараш мумкин. Мақолаларнинг ҳар бири ва барига хос умумий бир муаммо бор — Инсон ва табиат муносабати, табиатга ҳурмат-эъзоз муаммоси.

Ҳамма нарсанинг ижодкори — инсон. У табиатни ўзгартирувчи, яратувчи, яшнатувчи, баъзан, афсуски, жароҳат етказувчи ҳамдир. Бадиий асар сингари публицистик асар марказида ҳам инсон, унинг образи туради. Нусрат Раҳматов очерк ва мақолаларида ҳам Жалолиддин Мирзоҳидов, Эргаш Қиличев каби табиат шайдолари, ижодкор одамларнинг эсда қоларли образини яратган.

Китобчада айрим нуқсонлар ҳам учрайди. «Менинг монологим ёки ёзувчи, олим ва журналист баҳси»да муҳим мавзу кўтарилган, қизиқ фактлар келтирилган бўлса-да, баҳс предмети аниқравшан белгилаб олинмагани учун, гурунгда бир оз паришонлик юз берган, суҳбатдошлар дам-бадам мавзудан четга чиқиб кетилаётганини ўзлари ҳам эътироф этишга мажбур бўладилар.

«Замондош ўйлари» публицистикамизнинг яхши намуналаридан. У қизиқиш билан ўқилади, кишини ўйга толдиради, лоқайд қолдирмайди.

Сайди УМИРОВ, филология фанлари кандидати.

• *Маданий ёдгорликлар—бойлигимиз*

ТАЪМИРЛОВЧИ УСТАЛАР ҲИММАТИ



Юртимиз ноёб меъморий ёдгорликлар, гўзал архитектура иншоотларига бой. Бундай ёдгорликларни авайлаб-асраш, уларни таъмир этиб бориш давр тақозоси. Бундан икки йил муқаддам ташкил этилган Ўзбекистон экспериментал илмий таъмирлаш архитектура бадиий устахонаси (УзЭНРАХМ) ана шу ишга сафарбар этилган. Устахона иш бошлаганидан буён кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ўз аҳамияти жиҳатидан жуда муҳим таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кўпчилик тошкентликлар шаҳар марказидаги республика пионерлар саройининг собиқ биносини яхши биладилар. Ҳозир музейга айлантириш учун иш олиб борилаётган ана шу тарихий бинода устахона коллективи томонидан кенг кўламда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бино заллари Осиё ва европача услубда ганч ўймакорлиги ва рангин нақшлар билан безатилди. Эшик ва ромлар асл қиёфасига қайтарилди.

Ижодий ва илмий таъмирлаш ишларини бир-бири билан уйғун ҳолда олиб бораётган устахона коллективи музей-шаҳар Хивадаги Ичан-қалъада ҳам кенг кўламда таъмирлаш ишларини амалга оширди.

Қадимий шаҳар Самарқанд ва Хивада ҳали илмий жиҳатдан таъмир этиладиган объектлар кўп. Ичан-қалъа ва Бибихоним масжидини таъмирлашда иш олиб борадиган халқ усталари бригадалари тузиляпти. Устахона коллективи яна кўпгина тарихий ёдгорликларни асл қиёфасига қайтардилар. Тошкентдаги амалий санъат музейи, шаҳар марказидаги собиқ «Шарқ» меҳмонхонаси жойлашган бино, Сочи, Ялта, Москва шаҳридаги объектларда кенг кўламда таъмирлаш ва интерьерлар яратиш ишлари олиб борилди.

— Экспериментал илмий таъмирлаш устахонамиз буюртма олингач лойиҳалашдан тортиб, то ишни ниҳоясига етказгунгача бўладиган барча ишларни амалга оширади, — дейди устахона директори, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Ботир Усмонов.

Экспериментал илмий таъмирлаш устахонаси ҳозир Хивадаги Нуриллабой саройини таъмирлаяпти. Бу бинода кейинроқ тарихий музей очилади. Шаҳар марказидаги собиқ «Шарқ» меҳмонхонаси жойлашган тарихий бино эса республикамиз 60 йиллиги арафасида очиладиган сўзана ва гиламлар музейи учун реконструкция қилиняпти. Тошкентдаги Абулқосим мадрасасида республика архитектура ёдгорликлари кўргазмаси очилади. Устахона коллективи ана шу ажойиб музей экспозицияларини яратиш бўйича ҳам катта иш қилмоқда.

Коллективнинг В. Горохов, Р. Тахтаевлар бошлиқ бадиий таъмирлаш участкалари, Р. Шокирова, Р. Исмоилова сингари таъмирловчилар, В. Ким, В. Антонов, Н. Корчагин сингари қўли гул усталар маданият ёдгорликларини таъмирлашда ўзларининг бутун маҳоратини намойиш этишмоқда.

Устахона коллективининг режалари катта. Волгоград шаҳрида Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон» ресторани учун реконструкция қилинаётган бино интерьерларини яратиш, уни таъмирлаш ишлари, республика областларидаги ноёб ёдгорликларни тиклаш, музейлар ва кўргазмаларни жиҳозлаш шулар жумласидандир.

М. АБДУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: республика пионерлар саройининг собиқ биноси таъмирлаш ишларидан сўнг ажойиб қиёфа касб этди; Бибихоним масжиди майдонини реконструкциялаш макети.

О. Апухтин фотолари.



СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● ИККИНЧИ АСР ВОДОПРОВОДИ

Болгария Халқ Республикасининг Стара-Загора шаҳрида яқинда антик даврга мансуб бўлган водопровод топилди. Археологларнинг мулоҳазасига кўра, бу водопровод эрамизнинг иккинчи асрида қурилган экан. Ўн саккиз аср мобайнида сопол қувур ўтказгичлар ва сув омбори ажойиб ҳолда сақланиб қолган, уларда бирорта ҳам ремонт излари йўқ. Стара-Загорадаги водопровод бугунги кунда ҳам зилол ичимлик суви билан аҳолини таъминламоқда.

● 39 ЙИЛДАН БЕРИ УХЛАМАЙДИ

Жакартадан тарқалган бу хабар Индонезия билан қўшни бўлган мамлакатларга ҳам яшин тезлигида ёйилди. Бали оролида яшайдиган бир киши мана 39 йилдирки, уйқу нималигини билмайди. Уни Кетут Ветан деб аташади. 56 ёшга кирган бу киши Булеланг районидаги Алазангкар қишлоғида истиқомат қилади. Ёшлигида ҳам у пинакка жуда қийинчилик билан кетарди. 1945 йилда (ўшанда ўн етти ёшда эди) у япон босқинчиларига қарши озодлик урушида қатнашди ва бир неча марта тунда қоровуллик қилди. Ана шу вақтдан бери у умуман уйқу нималигини билмайди. Бутун оила аъзолари уйқуга кетган пайтда, яъни тунда Кетут Ветан китоб ўқийди, гитарасини чалади, эрталаб тонг отиши билан яна ишига равона бўлади.

● ХУШОМАДНИ ЁҚТИРМАЙДИГАН АЁЛЛАР

Яқин-яқин вақтларгача Рим кўчаларида полицияда ишловчи аёлларни учратиш кутилмаган тарздаги кўнгилли ҳол ҳисобланар эди. Эндиликда эса регулировкачи бундай нозаниларни Италия пойтахтининг деярли ҳар бир чорраҳасида учратиш мумкин. Уларнинг ниҳоят даражада қаттиқўллиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу боисдан йўл ҳаракати қоидаларини бузган кишилар регулировкачининг ҳумор кўзлари уни йўл ҳаракати белгиларини кўришдан чалғитиб юборди, деган баҳонани яхшиси айтмаганлари маъқул: чунки, полициячи аёллар бундай хушомадли гапларни бутунлай бошқача маънода тушунадилар. Ана шулардан бири — Лючана ди Никола матбуот учун берган интервьюсида шундай деди: «Айрим эркаклар худди шундай йўл билан жарима тўлашдан қутиламан деб ўйласалар керак. Эҳ худойим, уларни ана шундай англашилмовчиликдан ўзинг сақлагин».

●«АҚЛЛИ» БУДИЛЬНИК

«Эрталаб жиринглаган будильникнинг овози сизга ёқмаса, бунинг устига яна бироз мизғиб олиш истагида бўлсангиз, буни секингина, шивирлаб будильникка айтинг, кейин у жиринглашдан тўхтайди». — Швейцария бозорида пайдо бўлган янги будильниклар ана шундай рекламалар остида сотила бошланди. Бундай будильник белгиланган вақтда жиринглаганда кўзини уйқудан аранг очган уй эгаси унинг тўхташи ҳақида буйруқ берса соат жиринглашдан тақа-тақ тўхтайди. Бироқ орадан тўрт минут ўтгандан кейин будильник яна эгасини уйғотиш ташвишига тушади. Ана шунда ҳам уй эгаси унга қулоқ солмаса ўз аҳдида қатъий туриб олган қўриқчи уйқуни севадиган хўжайинини орадан 40 минут ўтгач барибир уйғотади. Лекин энди унинг хўжайини ишга кечикиши турган гап.

Янги будильниклар кўчаларнинг шовқинига, автомашиналарнинг сигналига асло эътибор бермайди. Лекин олинган биринчи рекламациялар шуни кўрсатдики, будильник рўпарасида ётиб қаттиқ хуррак отаётган кишига асло тоқат қилолмас экан. Шунда «ақлли» соат уй эгасини албатта уйғотар экан.

Кино санъати кўриги

Республикамизда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган қардош республикалар кино санъати фестивали давом этмоқда. Кеча Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида катта муваффақият билан ўтган туркман киноси кунлари якунланди. Бугун эса ўлкамизда яна бир кино санъати байрами бошланмоқда. Тожик кинематографчилари ўзларининг энг яхши экран асарларини Ўзбекистонда ўтадиган кино санъати фестивалига олиб келдилар. Бу картиналар орасида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро Тошкент кинофестивали кунлари расмий намойиш этилган «Гаровдаги одам» фильми ҳам бор.

Тожик киноси кунларида қардош республикадан ташриф буюрган кино санъаткорлар ўзларининг ҳамкасблари билан ижодий мулоқотлар олиб борадилар. Томошабинларнинг экран усталари билан учрашувлари бўлади. Қардошлар ҳузурида ўзига хос ижодий ҳисобот сифатида ўтаётган кино байрамлари халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

СУРАТДА: «Тожикфильм» киностудиясида яратилган «Гаровдаги одам» фильмидан кадр.



МАРОҚЛИ КЕЧА

Оқшом тушиши билан Билимлар уйи гавжум бўлиб кетди. Бу ерда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб ёш санъаткорларнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Кечага шаҳарлик кўплаб ишчихизматчилар, ёшлар, санъаткорлар келишди.

Уч ёш санъаткор энди ғунча очиб, истеъдод боғида парвоз этмоқда. Бу ёшлар санъат гулшанига киришганига анча бўлган, улар халқ учун сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда. Санъаткор — Ҳусанжон Носиров Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреатини олган, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси «Парвоз» ансамблининг солисти, Исмоилжон Ғуломов — Қори Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг хушовоз хонандаси. Мирзабек Холматов эса сўз устаси, қизиқ-қизиқ ҳангомалар, миниатюралар, ҳажвиялар ижрочиси. Ҳар учала санъаткор биринчи бор ижодий учрашувга тўпланишди, уларнинг ҳар бирига жуда кўплаб саволлар берилди. Ижодкорлар санъат сирлари, ижро маҳорати ва халқимизга яхши хизмат қилиш ҳақида мароқ билан сўзладилар.

Кечада қардош ва чет эл халқларининг куй-қўшиқлари баралла янгради. Мароқли, завқли ва мазмунли ўтган бу ижодий кеча томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

ЁШЛИКДАГИ ДЎСТИМ

ҲИКОЯ

Болаликдан бирга ўсган Ғулом деган дўстим бор. У ҳам мендай етим ўсган, ётоқхоналарда бирга ётиб ўқиган эдик. У геолог, мен педагог бўлмоқчи эдим. Ўқишни тамомлаб, армияга ҳам бирга кетдик. У Киевда, мен Ленинградда хизмат қилдим. Дастлабки пайтлар тез-тез ёзишиб турдик. Кейинчалик нечундир у менинг хатларимга жавоб ёзмайдиган бўлиб қолди. Армиядан қайтсам у келмабди. Кейин билсам, хизматдан тўғри Тошкентга кетган экан.

Мен Олмаотада ўқидим, кейин шаҳримиздаги бир мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Орадан кўз очиб юмгунча йигирма йилдан зиёд вақт ҳам ўтиб кетди. Аммо дўстим Ғулом билан ўтказган ширин ёшлик дамлари сира кўз ўнгимдан кетмасди. Бу сафар отпускамни саёҳат билан ўтказишга қарор қилдим. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларини айланиб, Тошкентга келдим. Сўрабсуриштириб юриб, Ғуломнинг адресини топдим. У шаҳардаги бир ошхонага мудир экан. Телефон қилган эдим, «Меҳмонхонанинг олдига чиқиб тургин, машина юбораман» деди. Болаликдан бирга ўсган дўстнинг меҳри бошқача бўлар экан. Учрашув дақиқаларини беҳад ҳаяжон ва интизорлик билан кута бошладим. Меҳмонхонанинг олдига машиналар тўхтовсиз келиб-кетиб турибди. Қайси бири дўстимнинг машинаси эканлигини билмайман. «Шошганда лаббай топилмабди» деганларидай, аксига олиб машинасининг номерини сўраб олмабман...

Ниҳоят мен турган ерга оппоқ «Волга» машинаси келиб тўхтади. Ичидан қора кўзойнак таққан, кўйлагининг ёқаси очиқ, сочлари ўсиб елкасига тушган ёшгина бир йигит чиқди-да, тўғри олдимга келди.

— Исроил ака сиз бўласизми!

— Ҳа, менман.

— Мен Ғулом деган дўстингизнинг ўғлиман.

— Э, жуда яхши. Яхши юрибсизми ука!

— Раҳмат, кетдикми!

— Кетдик.

Йўлда кетаётиб, йигитга ҳавас билан тикилдим. У Ғуломнинг худди ўзи бўлибди. Овози ҳам, ҳаракатлари ҳам унга ўхшайди.

— Мени қандай танидингиз!

— Дадам айтганлар, газетада чиққан суратингизни ҳам кўрсатган эдилар.

— Бирор институтда ўқисангиз керак-а!

— Институтда ўқишга бало борми! Йўлдан кўзини узмай жавоб берди йигит,— тўғри-да, ҳозирги кунда ойлик маошга тирикчилик қилиб бўларканми! Мана, институтда ўқиётган уч— тўрт киши дадамнинг қўлида ишлаяпти.

Манзилга етиб келдик. Юрагим борган сари қаттиқроқ ура бошлади. Пастроқ, аммо чиройли қилиб қурилган ошхона олдида турган юм-юмалоқ бўлиб семирган, тепакал, ўрта бўйли бир киши биз томонга қараб кела бошлади. Дастлаб унинг Ғулом эканлигига ишонмадим. Аммо одамнинг кўзи билан овози ўзгармас экан. Машинадан отилиб тушиб, қучоқлашиб кетдик.

— Ҳо-хо-хо-о, — елкамга қоқди Ғулом,— хуш кўрдик, хуш кўрдик, соғ-саломат юрибсанми, болаларинг яхшими! Менга қара ўша Исроилмисан-а!

— Ҳа, ўша Исроилман.

Яна қайта қучоқлашдик. Уйига бордик. Ростини айтсам, у турадиган кўчада унинг уйи ҳамманикидан чиройли экан. Болохоналик, ҳовлиси кенг, деворлари, дарвозаларигача зангори рангда сирланган. Ҳовлиси тиғиз ишком билан қопланган. Олти хонали уйнинг деворларида ҳам, оёқ остида ҳам қип-қизил чўғдай гиламлар. Буфетда қимматбаҳо биллур идишлар.

— Тошкентга келиб ақлли иш қилибман,— сўз бошлади Ғулом чой устида,— дастлаб бир магазинга қоровуллик қилдим. Кейин ошхонага ўтиб кетдим. Энди маҳаллада обрўли одамман. Хўш, ўзинг бола ўқитиб юрибсанми!

— Ҳа, ўзимиз севган касб-да!

— Бироқ бирингни икки қилмайдиган касб. Буни кўринишинг ҳам айтиб турибди. Кийимларинг модний эмас. Шундай касбни танлаб нима қилардинг, ҳайронман. Одам деган дунёга икки марта келмайди-ку! Касбингни ташлагинда, менинг ёнимга кел. Икки йилдаёқ ўзингни ўнглаб оласан, қанча боланг бор!

— Учта.

— Каттаси нечада!

— Йигирмада.

— Кичигичи!

— Ўн олтида.

— Айни муддао. Бир сомсахона тўғрилаб бераман, қарабсанки, бир пасда яхшигина Исроилбой бўлиб қоласан.

У сўзини тугатолмай қолди. Айвонда ҳасса таянган оппоқ соқолли бир киши кўринди.

— Астағфирулло, бу қария нима қилиб юрибдийкин, — ғудранди Ғулом ва олдига чиқмай туриб бақирди, — келинг-келинг, оқсоқол.

Чол йўтала-йўтала, оғир нафас олган ҳолда ичкарига кириб келди-да, биз билан саломлашиб, кўрсатилган жойга ўтирди.

— Бу киши маҳалламизнинг оқсоқоли Содиқ ота,— таништирди Ғулом,—кексаликларига қарамай, юртни обод қиламан деб жон куйдириб югурганлари югурган...

Ўз навбатида у мени ҳам чолга таништириб, менга айтган маслаҳатларини такрорлаган эди, отага ёқмади.

— Энди ука,— деди у ҳассасига таянган ҳолда, — ҳар каллада ҳар хаёл. Бу укам ўзи танлаган касбини яхши кўрмаса, аллақачон олдингга келарди. Ундай қилмабдими, демак уни йўлдан уриб нима қиласан.

— Йўлдан ураётганим йўқ, куюняпман, холос, бобой. Болалар бўлса катта бўлиб қолишибди. Ҳозирги болалар аввалгидай уч сўмлик оёқ кийимини ёқтиришмайди. Юз сўмлигини киямаи деб тўполон қилади. Мана ўзимга қиёс қилай, қайси куни кенжамизга бир кўйлакни 100 сўмга олдим. Қолаверса, уларнинг тўйлари бор. Тўй деган нарса ҳозир ҳазил гап бўлмай қолди.

Чол томоғини қириб йўталди.

— Мен ҳам шу боисдан келгандим,— деди у,— эшитишимча ўғлингни уйлантирмоқчи эмишсан, ўзинг ҳам бундай маслаҳатга борай демадинг, хўш, тўйни қандай ўтказмоқчи бўляпсан!

— Қандай бўларди, эл қилганини қиламанда, бобой. Худога шукур, ҳеч кимдан кам жойим йўқ. Шоҳона тўй қиламан.

— Мана шу ишинг яхши эмас.

— Маъқулми, номаъқулми, бу менинг ишим. Нима, сизнингча баъзи одамлардай оти бору ўзи йўқ. ёки ўзи улуғ, супраси қуруқ тўй қилишим керакми! Йўқ, мен ундай қилмайман. Ота-она деганнинг ахир ўзига яраша орзу-армони бўлади. Бунинг устига кўпларнинг тўйлари тўрида ўтирганман. Ўзим тўй қилганда мушукдек кўзимни юмиб олсам бўлмас. Тўғриси, шу, мен бошқаларга ўхшаб обрўйимни ерга уришни хоҳламайман.

— Ихтиёринг,— маъюс ҳолда елкасини қисди чол. У яна нимадир демоқчи бўлди-ю лекин истамай унсиз ўрнидан турди. Ғулом уни кузатиб чиқди. Пишиллаб бир нафас қовоғини уйиб ўтирди-да, кейин полларни ғирчиллатиб у ёқ-бу ёққа юрди.

Бўсағада бояги йигит кўринди, у машинанинг калитини кўрсатгич бармоғида айлантирб сўради:

— Дада, хизмат-пизмат борми!

Ғулом эринчоқлик билан ўриндиққа келиб ўтирди.

— Обшепит директори Эргаш, база мудири Ҳайдар аканг билан завмаг Тошмат акангларга айтгин. Меҳмон келиб қолибди, бир кеча зиёфат бермасак бўлмас.

— Хўп бўлади.

— Ойинг ҳам магазинни вақтлироқ ёпсин. Сен бозордан мевачева олиб келарсан.

Йигитни эшикдан чиқармай, ўрнимдан турдим.

— Илтифотинг учун раҳмат дўстим, аммо менинг вақтим йўқ, кечқурун йўлга чиқаман.

— Буёғи қандай бўлди,— унчалик куюнмай деди Ғулом, —ҳай майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ.

Яҳё ТОИРОВ.

● Яҳё Тоиров —уйғур ёзувчиси, Олмаотадаги «Жазуши» нашриётида чоп этилган «Кўзлар», «Ақида», «Меҳр» сингари китобларнинг муаллифи. Ҳозирги пайтда у Олмаотада чиқадиган уйғур тилидаги «Коммунизм туғи» ва «Янги ҳаёт» газеталарининг Ўзбекистондаги мухбиридир.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
1 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

17 ОКТЯБРДА

МАВСУМ ОЧИЛАДИ

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

(икки бўлимдан иборат)

Томошалар ҳар куни соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин.

Касса соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР ОЗИҚ-ОВҚАТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТЎПЛАШ ИДОРАСИ

нон, крупа ва бошқа унли маҳсулотлар чиқиндиларини нақд пул эвазига — ҳар килограммн учун 12 тийин баҳосида тўплашни уюштиради.

Озиқ-овқат чиқиндилари 8.00 дан 19.00 гача, танаффус— 13.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунларисиз қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гоголь кўчаси, 38-уй («ВЛКСМ 30 йиллиги» кинотеатри қаршисида).

ЛЕНИН РАЙОНИ 3-ҚУЙИЛИҚ МАССИВИ 34-ЖЭК, 17-уй («Олимпия» кафеси ёнида);

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ, 11-квартал, 65-ЖЭК, 41-уй сут комбинати қаршисида.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ, 17-квартал, 32-уй (метронинг «Чилонзор» станцияси).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

НОН ҚОЛДИҚЛАРИНИ ТОПШИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!

Шуни ёдда тутингки, сиз тўплаб берган 10 килограмм нон, крупа қолдиқлари шаҳар аҳолисига сотиш учун 1,5 килограмм гўшт етиштириш имконини беради.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ
1984-85 ўқув йилига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

ЎҚУВ КУРС КОМБИНАТИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ ОВҚАТ (саноат) ТОВАРЛАРНИ ҲАММА ПРОФИЛЛАРИ БЎЙИЧА СОТУВЧИ ВА КОНТРОЛЁР КАССИРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ 17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқув-курс комбинатини тугатганларга «Сотувчи», «Контролёр-кассир» деган малака берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқув-курс комбинати тингловчилари ишлаб чиқариш практикасини Тошкент шаҳридаги энг яхши савдо корхонасида ўтайдилар.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), турар жойидан справка, таржиман ҳоли, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, фотосурат (3х4 см.) 4 дона ёки 6 дона.

Ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиника касалхонаси» 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1984—85 ўқув йили учун

ҚУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни тугатган, ёши 34 дан ортиқ бўлмаган, зарурий меҳнат стажига эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар, Совет Армияси сафидан бўшаб келган ёшлар, саноат ташкилотлари, қурилишлар, транспорт, алоқа, геология-қидирув ва топография-геодезия ташкилотлари, совхозлар, колхозлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмалари ва ҳарбий қисмларнинг йўлланмаси бўйича қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсиянома кандидатураси қаралаётган шахс бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлгандагина берилади. Ишчи вазифасидаги амалий иш стажи шу корхонада охирги йил узлуксиз бир йил бўлмоғи лозим (шогирд сифатидаги иш стажи тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди). Ўқиш учун йўлланма олган колхозчилар ҳар бир йил учун шу колхознинг минимум меҳнат кунига эга бўлишлари зарур.

Тайёрлов бўлими қуйидаги факультетлар бўйича тингловчилар қабул қилади: математика, амалий математика ва механика, физика, геология, химия, биология, тарих, ҳуқуқшунослик, (камида 2 йил иш стажи билан), шарқ филологияси, ўзбек тили ва адабиёти, роман-герман филологияси, журналистика, философия ва экономика (психология).

ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛМАГАН ВА ЎРТА МАКТАБНИ 1984 ЙИЛИ БИТИРГАН ЕШЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: университет ректори номига ариза, иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташкилот раҳбари тасдиқлаган), медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат.

Аризалар 10 ноябргача қабул қилинади. Суҳбат 2 ёки 3 фандан 11 ноябрдан 24 ноябргача ўтказилади.

Тингловчилар мандат комиссиясидан 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Тайёрлов бўлимини тугатган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахслар университетнинг кундузги ўқишининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ҳар ойда 40 сўм стипендия билан, эҳтиёжи бўлганлар эса ётоқхона билан таъминланадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700095, Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, Биология факультети, 1-қават, 102-хона.

ЯНА БИР ЯНГИ МАГАЗИН

Шаҳримизда яна бир янги магазин эшиклари очилди. У Акмал Икромов районида жойлашган 12-мева-сабзавот магазинидир. Магазин Уйғур кўчасида, маиший шаҳарча олдида (2512-автоколонна қаршисида) **жойлашган.**

Магазин ҳозирги замон савдосининг талабларини инобатга олиб кошин билан безакланган, кенг хўжалик бинолари бор. Магазиннинг умумий майдони 228 кв. метр, савдо зали майдони 82 кв. метр.

Магазиннинг ишлаш тартиби шу атрофда жойлашган корхоналар (автомобиль комбинати, маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчаси) иш тартибига монанд келади: магазин соат 8 дан 20 минут ўтганда иш бошлайди. Соат 14.00 дан 15.00 гача танаффус. Дам олиш кунисиз ишлайди.

Транспорт: 206, 53, 87-автобусларнинг «Автокомбинат» бекати.



«ТАШПЛОДООВОЩ» БИРЛАШМАСИ (телефон 55-98-29).

ДЕҲҚОНЛАР ДИҚҚАТИГА!



Агарда сиз ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш истагида бўлсангиз шаҳар бозорларида ишлаб турган савдо хизмати бюроларига мурожаат этингиз!

БУ СИЗНИНГ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ.

Савдо хизмати бюроси ходимлари сиз етиштирган сабзавот ва ҳўл меваларни сиз билан келишилган ҳолда (бозор нархидан кам бўлмаган ҳолда) қабул қилиб оладилар.

Бюро биринчи навбатда колхозчилар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ишчиларига ёрдам кўрсатади.

Бюролар қошида оширилган талабга сазовор бўлган саноат моллари билан савдо қилувчи муқобил магазинлар ишлайди.

Ҳозирги пайтда Тошкентда 5 та савдо хизмати бюроси — Олой, Октябрь, Госпиталь, Қорасув, Фарҳод бозорларида ишлаб турибди

Келгуси йилларда барча асосий бозорларда ҳам бундай бюролар ташкил этилади.

ШАҲАР БОЗОРЛАРИ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ҚИШЛОҚ ВА ЁЗГИ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИМПИАДА РЕЗЕРВИ ГРУППАЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ—МАШҚ МАРКАЗИ (бирлашмаси)

«БИОРИТМИК ГИМНАСТИКА»

ГРУППАЛАРИГА ҚАБУЛ УТКАЗАДИ

Машғулотлар «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт залида — Беруний кўчаси, 41-уй, ҳафтада 3 марта ўтказилади.

Ёши чекланмаган ҳолда барча ҳоҳловчилар қабул қилинади.

Группаларга аъзо бўлиш учун соғлиғи тўғрисида справка, касаллик тарихи варақасидан кўчирма, электрокардиограмма ва 3 дона фотосурат тақдим этилиши зарур.

Машғулотларни тажрибали инструктор-методистлар олиб боради.

Машғулотлар 8 октябрда бошланади.

Аъзо бўлиш масалалари юзасидан «Юбилей» Марказий спорт залига мурожаат этилсин: Телефонлар: 46-07-53, 46-68-77.

«ТАШКЕНТДОРСТРОЙ» трестининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун «С» категориясидаги автомобиль ҳайдовчилари (профессионал ҳайдовчилар-учинчи класс) **тайёрлайдиган**

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МУДДАТИНИ УТАБ БЎЛГАН, ФАҚАТ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 60 сўмдан стипендия тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 5 ОЙ.

ЎҚИШЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топшириш лозим: шоферлик комиссиясидан ўтганлиги тўғрисида медицина справкаси, 3 дона фотосурат (3,5х4,5 см.), паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси ва маълумоти тўғрисида ҳужжат.

Ўқув пункти 46-автобаза территориясида жойлашган (23-автобуснинг «46-автобаза», 26, 30, 61-автобусларнинг «Янгиобод» бекати).

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар, пионервожатийлар ва СССР Қуролли кучлари сафида хизматни ўтаб бўлганлар, совхозлар, мактаблар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИНГ 1 КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

1984-85 ўқув йилидан бошлаб институт «Чет тили» ва ўзбек мактаблари учун «Рус тили ва адабиёти»дан мутахассислар тайёрлайди.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат 16 ноябрдан 20 ноябргача давом этади.

Қабул қилиш 26 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

ЎҚИШ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНИБ, 8 ОЙ ДАВОМ ЭТАДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎРТА МАКТАБНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИ 1984 ИИЛДА ТУГАТГАНЛАР МЕҲНАТ СТАЖИ БЎЛСА ҲАМ, ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 48-уй, 6-хона. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети
Бош савдо бошқармаси

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

контролёр-кассирлар тайёрлаш бўйича
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА
озиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи кичик сотувчиларни тайёрлайдиган
4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 25 ёшгача, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

«Ёшлик» мактаб-магазинини тамомлаганлар катта магазинларга ишга юборилади ва уларга имтиёзли равишда совет савдо техникумининг кечки бўлимига ўқишга кириш имконияти берилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 9, 1, 10, 24, 8-трамвайлар: 39, 22, 55, 3, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Справкалар учун телефон 55-75-15).

ТВ

душанба

1 ОКТЯБРЬ

● МТ I

18.05 Мультфильм.
18.15 «Бардошлилик рецепти». Телефильм премьераси.
18.50 «Ўсмирлар ижоди».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». БАМ асосий йўлининг туташтирилиши ҳақида.
20.10 «Музикали интервью».
20.30 «Қишлоқ қонуни». В. Маяковский номли Москва академик театри фильм-спектаклининг премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Қишлоқ қонуни» фильм-спектаклининг давоми.
23.10 «Футбол шарҳи».
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 Халқ куйлари.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Строитель» — «Жальгирис».
21.30 «Время».
22.05 «Узундан-узоқ йўл». Беш сериали телевизион бадиий фильм премьераси 1-серия (ГДР).
23.45 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. МАСК — «Динамо» (Тбилиси).

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Пионерлар мамлакатида».
18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.10 Халқаро музика кунига. «Музикашуносларнинг Халқаро симпозиуми». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион новеллалар театри. В. Овечкин. «Серташвиш баҳор».
20.30 «Ахборот».
20.50 УзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Совет Ўзбекистони композиторлари». И. Акбаров.
21.30 «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Совет Ўзбекистони композиторлари». И. Акбаров (давоми).
23.15 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Кишилар сари йўл». Ҳужжатли фильм.
19.00 Врач маслаҳати.
19.15 Буюк ғалабанинг 40 йиллигига. «Ажойиб инсон Чижиков». Телевизион бадиий фильм (рус.).
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Москва сатира театри экранда». Телефильм.
21.30 МТ II

сешанба

2 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.55 Мультфильм.
10.40 Б. Горбатов. «Қишлоқ қонуни». Фильм-спектакль.
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қўриқ болалари». Телефильм премьераси.
16.05 Вс. Иванов. «Бронепоезд 14—69».
16.55 «Рус тили».
17.25 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
17.55 «Джолиба» ансамблининг концерти (Гвинея).
18.30 «Расмларда қуёш акси бор».
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқ куйлари.
19.50 «Шундай йигит яшайди». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Крилов масалларини ижро этамиз». Фильм-концерт премьераси.
22.40 Халқаро конкурслар лауреати Е. Школьникова куйлайди.
22.55 «Дунё воқеалари».
23.15 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва юқорилар».
19.30 «Халқаро панорама».
20.15 В. Моцарт. Увертюра.
20.30 «Тунингиз хайрли кичкинтойлар».
20.50 «Олтин шоҳ» бадиий жатли фильм.
21.00 «Кўплаб сифатли ётказиб берайлик».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича пионати. «Динамо» (Киев) — «Торпедо» (Тбилиси)дан олий ди.
22.50 «Узундан-узоқ» сериали телевизион фильм премьераси (ГДР).

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Совет Иттифоқи». Кинохроника.
11.20 «Жўра Сарбон» фильм.
12.30 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мактаб ўқувчилари «Бирга бўлсак» (рус.).
18.50 «Фарғона водийси фильм («Ўзкинохроника»).
19.00 «Озиқ-овқат товарлари халқ фаровонлиги» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди ва биз». Кўрсатувни Республика Дав тининг лауреати олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дутор ва чолғу лари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қишлоқ — масъулиятли ўқувчи масъулияти».
22.25 «Камера фош қилган ниқоб остидаги тарих сир».
23.35 Янгиликлар.

● УзТВ I

9.00—16.25 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Евгений Быстрицкая ноатлангандан» фильмлар.
18.50 «Коцюбинский». Бадиий фильм «Бўрон олдидан».
20.00 Янгиликлар.
20.20 Ўқув программаси.
21.00 «Минилар» фильм.
21.30 МТ II

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
1 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Р— 13907.